

**«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ  
УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
Б А Ё Н И**

---

**2015 йил 27 июн  
соат 11:00**

**№ АС-2**

**Тошкент шаҳри Амир  
Темур кўчаси, марказ  
4, 7/8-уй**

**Чиқарилган овоз берувчи акцияларнинг умумий сони:  
24 445 500 дона.**

**Жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг умумий сони:  
23 377 210 дона.**

**Йиғилишда қатнашиш учун рўйхатга олинган овоз берувчи  
акцияларнинг умумий сони: 20 775 279 дона.**

**Йиғилишда қатнашганлар сони: Акциядорлар ва уларнинг  
номидан қатнашаётган вакиллар сони 31 киши.**

**Жумладан: ишончнома орқали қатнашаётган вакиллар сони -  
22 киши ва ўз номидан қатнашаётган акциядорлар сони - 9 киши.**

**КВОРУМ – 88,87%**

Шунингдек, банк Кенгаши аъзолари О.Олимжонов, М.М. Ибрагимов, Ф.Х. Маликов, А.А. Абдухамидов ҳамда банк Бошқаруви Раиси в.б. Қ.Х.Мухаммадиев, банк Бошқаруви аъзолари, Департамент директорлари ва филиал бошқарувчилари, мустақил бошқарма ва бўлим бошлиқлари иштирок этдилар.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига банк Кенгаши аъзоси Олимжонов Одил Олимович раислик қилди.

**Йиғилиш котиблари: Д.Г.Расулов, Ф.Г.Мирзаева.**

Умумий йиғилиш санок комиссияси раиси - «Туронбанк» АТБ Ижрони назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Эргашев Олим Рахматович, комиссия аъзолари - Ҳазначилик ва қимматли қоғозлар департаментининг Қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи Қодиров Абдулазиз Абдулхаевич, Ахборот технологиялари Департаменти директори ўринбосари Исамутдинов Илҳом Раҳмоновичлар йиғилишда қатнашаётган акциядорларнинг овозларини ҳисоблаш ва йиғилиш қворуми мавжудлигини аниқлаш бўйича иш олиб бордилар.

Йиғилиш раиси акциядорлардан банк Кенгаши томонидан тузилган санок комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаб беришларини сўради.

Йиғилишда санок комиссиясининг сони ва шахсий таркиби бир овоздан тасдиқланди.

**Умумий йиғилишга Ранслик қилувчи О.Олимжонов** Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига ва «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Уставига амал қилиб, банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишини 2015 йил 27 июнь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги хабар ва йиғилиш кун тартиби 2015 йил 18 июнь куни «Biznes Daily» газетасининг 71 (1938) - сонида эълон қилинганлигини ва қонунда белгиланган тартибда акциядорга хабар қилинганлигини ва барча ташкилий тадбирлар тўлиқ амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтди.

Умумий йиғилишда акциядорлар ва уларнинг вакиллари иштироки ҳамда йиғилишда кворум мавжудлиги тўғрисида маълумот бериш учун сўз **Санок комиссияси раиси О.Р.Эргашевга** берилди.

О.Р.Эргашев Санок комиссияси мажлисининг 2-сонли баённомасини ўқиб эшиттирди ва «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши ваколатли ҳисобланишини маълум қилди (Санок комиссияси мажлисининг 2-сонли баённомаси илова қилинади, 1-илова).

Йиғилиш иштирокчилари Санок комиссиясининг 2-сонли баённомасини бир овоздан маълумот учун қабул қилдилар.

Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши бир овоздан очик деб эълон қилинди.

Йиғилиш ҳайъатига банк Кенгаши аъзолари – Абдухамидов Акрамжон Абдувахабович, Олимжонов Одил Олимович ва банк Бошқаруви Раиси в.б. Мухаммадиев Қосим Хўжаёровичлар ҳамда йиғилиш котибиятига Д.Г.Расулов ва Ф.Г.Мирзаевалар сайландилар.

## **КУН ТАРТИБИ:**

1. «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.

2. Банкнинг 2014 молиявий йилдаги фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини ҳамда 2015 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида банк Бошқарувининг ҳисоботини тасдиқлаш.

3. Банкнинг 2014 йилдаги фаолияти якунлари бўйича ташқи аудит ҳулосасини кўриб чиқиш ҳамда 2014 йил якунлари бўйича банк Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.

4. Банк Кенгашининг 2014 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи ҳамда банк Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларни тасдиқлаш тўғрисида.

5. 2014 йил якунлари бўйича банкнинг бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш тўғрисида.

6. Банкнинг тақсимланмаган фойдасини, шу жумладан 2014 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.

7. Банкнинг 2015 йилдаги асосий ривожланиш йўналишларини ҳамда 2015 - 2020 йиллар учун ривожланиш стратегик режасини тасдиқлаш тўғрисида.

8. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

9. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки «Бошқаруви тўғрисидаги Низом»га қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

10. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки «Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом»га қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

11. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

12. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.

13. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида.

14. Банк Бошқаруви Раисини тасдиқлаш ва у билан меҳнат шартномасини тузиш тўғрисида.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи масала** яъни банк Кенгаши томонидан тасдиқланган йиғилиш регламентини таклиф этди ва овозга қўйди.

Регламент бир овоздан тасдиқланди.

Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши кун тартибининг **иккинчи масала** юзасидан Бошқарув Раиси в.б. Қ.Х.Мухаммадиев сўзга чиқиб, Банкнинг 2014 молиявий йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботи ҳамда 2015 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида банк Бошқарувининг ҳисоботи тўғрисида маъруза килди (маъруза илова қилинади, 2-илова).

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича** Тафтиш комиссияси раиси Шарипов Шухратжон Идаевич 2014 йил яқунлари бўйича «Туронбанк» АТБ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини ўқиб эшиттирди («Туронбанк» АТБ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи илова қилинади, 3-илова).

Банкнинг 2014 йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ташқи аудит хулосаси таркатилгани ҳамда ташқи аудит хулоса юзасидан аввалги маърузачилар ўз маърузаларида маълумот берганликлари боис акциядорлар алоҳида маъруза шарт эмас деган таклифни бир овоздан маъқулладилар.

**Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан** банк мажлис раиси О.Олимжоновнинг «Банк Кенгашининг 2014 йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботи» тингланди (Кенгаш ҳисоботи илова қилинади, 4-илова).

**Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан** акциядорлар 2014 йил яқунлари бўйича банкнинг бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботни тингладилар (5-илова).

Йиғилиш раиси юқорида кўрилган масалаларни муҳокама қилишдан олдин банк фаолиятига баҳо бериш лозимлигини маълум қилди ҳамда банкнинг 2014 йил яқунлари бўйича олиб борган фаолиятига баҳо бериш учун банк миждози «ЭСКИАНХОРКАНАЛКУРИЛИШ» МЧЖнинг бош бухгалтери Холиёров Ахмадни таклиф қилди.

А.Холиёров банк акциядори ва мижози сифатида банк фаолияти юзасидан таҳлилий нутқ сўзлаб, банк фаолиятига ижобий фикр билдирди.

Шунингдек, йиғилишда Ф.Х.Маликов банк акциядори, мижози ва Кенгаш аъзоси сифатида, баъзи ташкилот раҳбарлари ва ўз номидан банк фаолияти юзасидан ижобий фикрларни билдириб ўтди. Жумладан, банк Устав капиталини ошириш, активларни кўпайтириш ва даромадларини ошириш банк олдига қўйилган устивор вазифалар эканини ҳамда бу ишларда банк Бошқарувига яқиндан ёрдам бериш кераклигини айтиб ўтди.

Маърузачи ўз сўзида банкнинг кундалик ишида баъзи камчиликлар юзага келаётганлигини айтиб ўтди, жумладан:

Банкнинг асосий даромади кредит операцияларини амалга ошириш эвазига эканлиги, ажратилаётган кредитларни расмийлаштириш жараёнида банк ходимлари томонидан кредит эвазига олинган гаров воситаларини баҳолашда камчиликлар учраб турганлигини билдирди. Шунингдек, банк томонидан ажратилаётган хомийлик маблағлари тасдиқланган бизнес режада белгилаб берилган миқдордан ошиб кетмаслиги лозимлигини таъкидлади.

Маърузачи ўз сўзининг якунида, банк ходимларига ўз таклифларини айтиб, банк ходимлари бошқараётган маблағлар уларга акциядорлар, мижозлар томонидан ишониб топширилган маблағлар экани, уларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш зарурлигини билдирди.

Банк ходимларига ишониб келаётган мижозлар улардан ишонч ва қўллаб-қуватлашни кутишларини ҳамда «Банк мижоз учун» шиори остида фаолият олиб борилиши лозимлигини билдирди.

Маърузачи сўзининг якунида банк бошқарувининг 2014 йилдаги фаолиятини кониқарли деб баҳолашни таклиф этди.

Йиғилиш раиси О.Олимжонов, юқорида банкнинг барча ҳисоботлари тингланганлиги боис уларда ақс эттирилган маълумотлар бўйича **кун тартибидаги олтинчи масалани** ҳам кўриб чиқишни таклиф этди.

Ушбу таклиф банк акциядорлари томонидан маъқулланди.

Йиғилиш раиси О.Олимжонов, Банкнинг аввалги йиллар тақсимланмаган фойдаси ҳамда 2014 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини, жами 26 699 405 375,75 сўм фойдасини тақсимлаш юзасидан банк Кенгашининг таклифи қуйидагича билдирилганлигини айтиб ўтди, жумладан:

- 2014 йил якунлари бўйича олинган соф фойданинг 20%и ёки 4 424 805 595,17 сўм миқдоридаги маблағни имтиёзли кредитлаш махсус жамғармасига йўналтирилсин;

- Банкнинг 2014 йил якунлари бўйича олинган соф фойдасининг 40%и ёки 8 849 611 190,35 сўм миқдоридаги маблағ банкнинг умумий захира фондиди оширишга йўналтирилсин;

- номинал қиймати 1 700 сўм бўлган бир дона имтиёзли акцияга – 425,0 сўмдан ёки номинал қийматига нисбатан йиллик 25 фоиз ҳисобидан дивиденд тўлаш учун жами – 1 898 284 175,0 сўм ажратилсин;

- номинал қиймати 1 700 сўм бўлган бир дона оддий акцияга – 425,0 сўмдан ёки номинал қийматига нисбатан йиллик 25 фоиз ҳисобидан дивиденд тўлаш учун жами – 9 935 314 250,0 сўм ажратилсин;

Дивиденд тўлаш муддатининг бошланиш санаси 2015 йил 7 июл этиб белгилансин ва 2015 йил 26 августгача амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ тўлаб берилсин.

- банк ходимларини рағбатлантириш (13-ойлик учун) мақсадида – 1 591 390 165,23 сўм йўналтирилсин.

Кун тартибидаги **еттинчи масала** юзасидан йиғилиш раиси О.Олимжонов атрофлича тушунтириш берди. Шундан сўнг, О.Олимжонов банк акциядорлари ва уларнинг вакилларидан ушбу масалани юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда қарор лойихаси асосида бюлетенлар орқали овоз беришларини сўради.

Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши кун тартибидаги **саккизинчи, тўққизинчи ва ўн биринчи**

**масалалари** «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Уставига кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки «Бошқаруви тўғрисидаги Низом»га кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, ва «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4720-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида киритилганлигини айтиб ўтди.

О.Олимжонов Банк Уставига, банк Бошқаруви тўғрисидаги Низомга киритилган кўшимча ва ўзгартиришлар шунингдек, банкининг ташкилий тузилмаси банк Кенгаши томонидан муҳокама қилинганлиги ҳамда акциядорларга тарқатилган таркатма маълумотларда батафсил баён этилганлигини инобатга олиб, бошқа таклифлар бўлмаса қарор лойиҳасига асосан бюлетенлар орқали овоз берилишини сўради.

Шунингдек, йиғилиш раиси кун тартибидаги **ўнинчи масала** «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки «Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом»га кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш банк йирик акциядори бўлган Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси томонидан билдирилган таклиф асосида амалга оширилаётганлигини таъкидлаб, унда келтирилган кўшимча ва ўзгартиришлар акциядорларга тарқатилган таркатма маълумотларда батафсил баён этилганлигини инобатга олиб, бошқа таклифлар бўлмаса қарор лойиҳасига асосан бюлетенлар орқали овоз берилишини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўн иккинчи ва ўн учинчи масалалар** **яъни** банк Кенгаши ва банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш юзасидан йиғилиш раиси аτροφлича тушунтириш берди ва акциядорлардан қарор лойиҳасига асосан бюлетенлар орқали банк Кенгаши аъзолигига номзодларга кумулятив ва банк Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодларга тўғридан тўғри овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўн тўртинчи масала юзасидан** тушунтириш берган О.Олимжонов жумладан қуйидагиларни айтиб ўтди:

Банк Бошқаруви Раисини тасдиқлаш тўғрисида банк Кенгашининг таклифлари қуйидагилардан иборат, жумладан:

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кенгаши билан Бошқарув Раиси Алимов Фарход Дилмуратович ўртасида уни ишга ёллаш тўғрисида тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинсин;

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кенгаши томонидан Бошқарув Раиси в.б. этиб тайинланган Мухаммадиев Қосим Хўжаёрович ушбу лавозимга тасдиқлансин;

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кузатов кенгаши акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлаш учун бир ойлик муддатда банк Бошқаруви Раиси лавозимига номзодлар юзасидан танлов ўтказсин.

Ушбу масалага бюллетенлар орқали ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Шундан сўнг, кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди.

Йиғилиш Раиси кун тартибидаги масалалар бўйича бюллетенлар орқали овоз берилишини айтди.

Акциядорлар эътиборига **биринчи масала** бўйича қуйидаги қарор лойиҳаси ҳавола этилди:

«Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

Акциядорлар ушбу таклифга бюллетенлар орқали овоз бердилар

Акциядорлар эътиборига **иккинчи масала** бўйича қуйидаги қарор лойиҳаси ҳавола этилди:

Банкнинг 2014 йилдаги фаолияти яқунлари бўйича банк Бошқаруви Раисининг ҳисоботи ҳамда 2015 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тасдиқлансин.

Акциядорлар ушбу таклифга бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Акциядорлар ва уларнинг вакиллари **учинчи масала** бўйича – Банкнинг 2014 йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ташқи аудит



хулосаси маълумот учун қабул қилинсин ҳамда 2014 йил якунлари бўйича банк Тафтиш комиссияси ҳисоботи тасдиқлансин деган таклифга ҳам бюллетенлар орқали фикр билдирдилар.

Банк Кенгашининг 2014 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги **тўртинчи масала** бўйича тарқатилган қарор лойиҳасига акциядорлар ва уларнинг вакиллари бюллетенлар орқали муносабат билдирдилар.

**Кун тартибидаги бешинчи масала** – 2014 йил якунлари бўйича банкнинг бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш юзасидан тарқатилган қарор лойиҳасига акциядорлар ва уларнинг вакиллари бюллетенлар орқали овоз бердилар.

**Кун тартибидаги олтинчи масала** бўйича акциядорлар эътиборига Банкнинг тақсимланмаган фойдасини, шу жумладан 2014 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш бўйича тарқатилган қарор лойиҳаларига мувофиқ тасдиқлаш учун овоз бердилар.

**Кун тартибидаги еттинчи масала** бўйича акциядорлар эътиборига ҳавола этилган “Банкнинг 2015 йилдаги асосий ривожланиш йўналишлари ҳамда 2015 - 2020 йиллар учун ривожланиш стратегик режаси”ни тасдиқлаш бўйича тарқатилган қарор лойиҳаларига мувофиқ тасдиқлаш учун овоз бердилар.

Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши кун тартибидаги **саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи масалалар** юзасидан тарқатилган қарорлар лойиҳаларига мувофиқ тасдиқлаш учун овоз бердилар.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи масала** юзасидан йиғилиш раиси «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кенгаши аъзолигига сайлаш учун акциядорлар эътиборига ўн тўрт нафар номзод таклиф этилганлигини билдирди ва банк акциядорларининг кейинги навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига қадар банк Кенгашининг аъзолари этиб кумулятив овоз бериш орқали улардан ўн бир нафарини сайлаш лозимлигини билдирди:

- Олимжонов Одил Олимович - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий

тадқиқотлар илмий-тадқиқот институти “Ер-сув ресурслари танқислиги шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ихтисослашувини такомиллаштириш стратегияси” лойиҳасининг Рахбари, иқтисод фанлари доктори, профессор;

- Сангинов Абдуғани Абдурахмонович - «Ўзсувэнерго» бирлашмаси Бош директори;

- Маликов Фаттоҳ Халилович - «USUB» МЧЖ Бош директори;

- Ибрагимов Малик Мирзаалимович - «Паркентсувқурилиш» МЧЖ Бош директори;

- Хажимуратов Шерзод Юлдашевич - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари;

- Аминов Рустам Анварович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси раиси ўринбосари;

- Химматов Абдусамат Халилович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси раиси ўринбосари;

- Нусуров Исмаи Нусратович - Давлат активларини бошқариш маркази Бош директори;

- Ахмедов Жўрабек Илхомович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг Бош бошқармаси бошлиғи;

- Шарипов Нажмиддин Шухратович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг Бош бошқарма бошлиғи;

- Абдухамидов Акрамжон Абдувахабович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи;

- Юнусов Джахонгир Баходирович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи;

- Қаюмов Асадулла Ўралович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи в.б.;

- Хусанов Нодирбек Джуммаевич - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Мухокамадан сўнг, акциядорлар ва уларнинг вакиллари юқоридаги номзодларга бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Акциядорлар эътиборига кун тартибининг **ўн учинчи масаласи** – банк Тафтиш комиссияси аъзолигига сайлаш учун куйида таклиф этилаётган олти нафар номзоддан уч нафарини сайлаш лозимлиги билдирилди:

- Шарипов Шухратжон Идаевич - «O`ZAGROSUG`URTA» DASK (AJ) ички аудит хизмати бошлиғи;

- Раджабов Элдор Бахтиёрович – «BASIC CAPITAL» МЧЖ ҚК Бош директори;

- Мухитдинов Бекзод Нуриддинович – «Sergeli Parranda» МЧЖ Бош бухгалтери;

- Махмудов Бекзод Нематжонович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари;

- Умматов Бекзод Хамзаевич - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бош мутахассиси;

- Джураев Шерзод Азимович Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси етакчи мутахассиси.

Акциядорлар ва уларнинг вакиллари ушбу таклифга бюллетенлар орқали муносабат билдирдилар.

О.Олимжонов банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши кун тартибининг **ўн тўртинчи масаласи** юзасидан банк Кенгашининг таклифлари қуйидагилардан иборатлигини такидлади, жумладан:

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кенгаши билан Бошқарув Раиси Алимов Фарход Дилмуратович ўртасида уни ишга ёллаш тўғрисида тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинсин;

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кенгаши томонидан Бошқарув Раиси в.б. этиб тайинланган Муҳаммадиев Қосим Хўжаёрович ушбу лавозимга тасдиқлансин;

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кузатов кенгаши акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлаш учун бир ойлик муддатда банк Бошқаруви Раиси лавозимига номзодлар юзасидан танлов ўтказсин.

Мазкур таклифга акциядорлар ва уларнинг вакиллари бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Шундан сўнг танаффус эълон қилинди.

(Танаффусдан сўнг)

**Санок комиссияси** раиси **О.Р.Эргашев** «Туронбанк» АТБ акциядорларининг йиллик ҳисобот умумий йиғилишидаги овоз бериш натижаларини ҳисоблаш бўйича санок комиссиясининг 3-сонли баённомасини ўқиб эшиттирди (6-илова).

Жумладан, овоз бериш натижалари ҳисобланганда қуйидагилар маълум бўлди:

*Йиғилишида иштирок этган, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 31 дон бюллетен бўйича жами овозлар сони 20 775 279 та. Овозга қўйилган масала юзасидан овозлар қуйидагича тақсимланган:*

**Кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» – 31 бюллетен бўйича 20 775 279 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

*Кун тартибининг иккинчи масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:*

«Тарафдорлар» – 31 бюллетен бўйича 20 775 279 овоз, яъни 100 %;  
«Қаршилар» – йўқ;  
«Бетарафлар» – йўқ.

*Кун тартибининг учинчи масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:*

«Тарафдорлар» – 31 бюллетен бўйича 20 775 279 овоз, яъни 100 %;  
«Қаршилар» – йўқ;  
«Бетарафлар» – йўқ.

*Кун тартибининг тўртинчи масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:*

«Тарафдорлар» – 31 бюллетен бўйича 20 775 279 овоз, яъни 100 %;  
«Қаршилар» – йўқ;  
«Бетарафлар» – йўқ.

*Кун тартибининг бешинчи масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:*

«Тарафдорлар» – 31 бюллетен бўйича 20 775 279 овоз, яъни 100 %;  
«Қаршилар» – йўқ;  
«Бетарафлар» – йўқ.

*Кун тартибининг олтинчи масаласи банкнинг 4 575 377 399,88  
сўми ташкил этган тақсимланмаган фойдасини ҳамда  
22 124 027 975,87 сўми ташкил этган 2014 йил якуни бўйича олинган  
соф фойдасини, жами 26 699 405 375,75 сўм фойдани тақсимлаш  
юзасидан овоз бериш натижалари:*

*6.1. 2014 йил якунлари бўйича олинган соф фойданинг 20%ини  
ёки 4 424 805 595,17 сўм миқдоридagi маблағ имтиёзли кредитлаш  
махсус жамғармасига йўналтирилсин.*

«Тарафдорлар» – 30 бюллетен бўйича 20 621 123 овоз, яъни 99,3 %;  
«Қаршилар» – йўқ;  
«Бетарафлар» – 1 бюллетен бўйича 154 156 овоз, яъни 0,7 %.

**6.2. 2014 йил якунлари бўйича олинган соф фойданинг 40%ини ёки 8 849 611 190,35 сўм миқдоридagi маблағ банкнинг умумий захира фондини оширишга йўналтирилсин.**

«Тарафдорлар» – 30 бюллетен бўйича 20 621 123 овоз, яъни 99,3 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – 1 бюллетен бўйича 154 156 овоз, яъни 0,7 %.

**6.3. Номинал қиймати 1 700 сўм бўлган бир дона имтиёзли акцияга – 425,0 сўмдан ёки номинал қийматига нисбатан йиллик 25 фоиз ҳисобидан дивиденд тўлаш учун жами – 1 898 284 175,0 сўм ажратилсин.**

«Тарафдорлар» – 30 бюллетен бўйича 20 621 123 овоз, яъни 99,3 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – 1 бюллетен бўйича 154 156 овоз, яъни 0,7 %.

**6.4. Номинал қиймати 1 700 сўм бўлган бир дона оддий акцияга – 425,0 сўмдан ёки номинал қийматига нисбатан йиллик 25 фоиз ҳисобидан дивиденд тўлаш учун жами – 9 935 314 250,0 сўм ажратилсин.**

«Тарафдорлар» – 30 бюллетен бўйича 20 621 123 овоз, яъни 99,3 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – 1 бюллетен бўйича 154 156 овоз, яъни 0,7 %.

**Дивиденд тўлаш муддатининг бошланиш санаси 2015 йил 7 июл этиб белгилансин ва 2015 йил 26 августгача амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ тўлаб берилсин.**

**6.5. банк ходимларини рағбатлантириш (13-ойлик учун) мақсадида – 1 591 390 165,23 сўм йўналтирилсин.**

«Тарафдорлар» – 30 бюллетен бўйича 20 621 123 овоз, яъни 99,3 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – 1 бюллетен бўйича 154 156 овоз, яъни 0,7 %.

**Кул тартибининг еттинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» – 31 бюллетен бўйича 20 775 279 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

*Кун тартибининг саккизинчи масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:*

«Тарафдорлар» – 31 бюллетен бўйича 20 775 279 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

*Кун тартибининг тўққизинчи масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:*

«Тарафдорлар» – 31 бюллетен бўйича 20 775 279 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

*Кун тартибининг ўнинчи масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:*

«Тарафдорлар» – 31 бюллетен бўйича 20 775 279 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

*Кун тартибининг ўн биринчи масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:*

«Тарафдорлар» – 31 бюллетен бўйича 20 775 279 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

*Кун тартибининг ўн иккинчи масаласи (Банк Кенгаши  
аъзолигига номзодларни сайлаш) юзасидан овозлар номзодлар  
ўртасида қуйидагича тақсимланганлиги маълум бўлди:*

| Фамилияси, исми, отасининг<br>исми  | Эгаллаб турган лавозими   | Овозлар<br>сони |
|-------------------------------------|---|-----------------|
| Олимжонов Одил Олимович             | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси<br>кошидаги Прогнозлаштириш ва<br>макроиктисодий тадқиқотлар илмий-тадқиқот<br>институти “Ер-сув ресурслари танқислиги<br>шароитида кишлоқ хўжалигини<br>ривожлантириш ва ихтисослашувини<br>такомиллаштириш стратегияси” лойиҳасининг<br>Рахбари, иктисод фанлари доктори, профессор; | 16 907 288      |
| Сангинов Абдуғани<br>Абдурахмонович | «Ўзсувэнерго» бирлашмаси Бош директори;   | 11 710 225      |
| Маликов Фаттоҳ Халилович            | «USUB» МЧЖ Бош директори;   | 15 392 109      |

|                                    |  |            |
|------------------------------------|--|------------|
| Ибрагимов Малик Мирзаалимович      | «Паркентсувқурилиш» МЧЖ Бош директори;   | 6 171 707  |
| Хажимуратов Шерзод Юлдашевич       | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари;   | 22 096 655 |
| Аминов Рустам Анварович            | Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси раиси ўринбосари;           | 21 931 655 |
| Химматов Абдусамат Халилович       | Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси раиси ўринбосари;           | 11 781     |
| Нусуров Исмат Нусратович           | Давлат активларини бошқариш маркази Бош директори;   | 21 931 654 |
| Ахмедов Жўрабек Илхомович          | Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг Бош бошқармаси бошлиғи; | 0          |
| Шарипов Нажмиддин Шухратович       | Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг Бош бошқарма бошлиғи;   | 21 931 654 |
| Абдухамидов Акрамжон Абдувахабович | Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи;           | 21 931 654 |
| Юнусов Джахонгир Баходирович       | Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи;           | 21 931 654 |
| Қаюмов Асадулла Ўралович           | Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи в.б.;      | 21 931 654 |
| Хусанов Нодирбек Джуммаевич        | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи   | 24 648 379 |

*Кун тартибининг ўн учинчи масаласи яъни банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш юзасидан овоз бериш натижалари қуйидагича аниқланди:*

*Кун тартибининг 13.1 масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:*

«Тарафдорлар» – 20 бюллетен бўйича 1 272 758 овоз, яъни 6,13 %;

«Қаршилар» – 10 бюллетен бўйича 19 500 379 овоз, яъни 93,86 %;

«Бетарафлар» – 1 бюллетен бўйича 2 142 овоз, яъни 0,01 %.



**Кун тартибининг 13.2 масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 13 бюллетен бўйича 929 973 овоз, яъни 4,64 %;  
«Қаршилар» – 17 бюллетен бўйича 19 846 165 овоз, яъни 95,53 %;  
«Бетарафлар» – 1 бюллетен бўйича 2 142 овоз, яъни 0,01 %.

**Кун тартибининг 13.3 масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 14 бюллетен бўйича 961 333 овоз, яъни 4,63 %;  
«Қаршилар» – 16 бюллетен бўйича 19 811 804 овоз, яъни 95,36 %;  
«Бетарафлар» – 1 бюллетен бўйича 2 142 овоз, яъни 0,01 %.

**Кун тартибининг 13.4 масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 16 бюллетен бўйича 19 574 044 овоз, яъни 94,22%;  
«Қаршилар» – 14 бюллетен бўйича 1 199 093 овоз, яъни 5,77 %;  
«Бетарафлар» – 1 бюллетен бўйича 2 142 овоз, яъни 0,01 %.

**Кун тартибининг 13.5 масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 18 бюллетен бўйича 19 604 579 овоз, яъни 94,36%;  
«Қаршилар» – 12 бюллетен бўйича 1 168 558 овоз, яъни 5,62 %;  
«Бетарафлар» – 1 бюллетен бўйича 2 142 овоз, яъни 0,01 %.

**Кун тартибининг 13.6 масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 17 бюллетен бўйича 19 587 176 овоз, яъни 94,28%;  
«Қаршилар» – 13 бюллетен бўйича 1 185 961 овоз, яъни 5,71 %;  
«Бетарафлар» – 1 бюллетен бўйича 2 142 овоз, яъни 0,01 %.

**Кун тартибининг ўн тўртинчи масаласи яъни банк Бошқаруви  
Раисини тасдиқлаш ва у билан меҳнат шартномасини тузиш  
юзасидан овоз бериш натижалари:**

**Кун тартибининг 14.1 масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 31 бюллетен бўйича 20 775 279 овоз, яъни 100 %;  
«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг 14.2 масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 31 бюллетен бўйича 20 775 279 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг 14.3 масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 31 бюллетен бўйича 20 775 279 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

Хулоса: Акциядорларнинг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши кун тартибига қўйилган барча масалалар бўйича банк Кенгашининг таклифлари кўпчилик овоз билан тасдиқланди.

Йиғилиш Санок комиссияси мажлисининг мазкур баённомасини бир овоздан маълумот учун қабул қилди.

Шу билан банк акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўз ишини тамомлади.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан берилган овозлар якуний ҳисобига кўра, очик акциядорлик тижорат Туронбанк акциядорларининг йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг қарори қабул қилинди.

**«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ  
УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
Қ А Р О Р И:**

1. «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

2. Банкнинг 2014 молиявий йилдаги фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи ҳамда 2015 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида банк Бошқарувининг ҳисоботи тасдиқлансин.

3. Банкнинг 2014 йилдаги фаолияти якунлари бўйича ташки аудит хулосаси маълумот учун қабул қилинсин ҳамда 2014 йил якунлари бўйича банк Тафтиш комиссияси ҳисоботи тасдиқлансин.

4. Банк Кенгашининг 2014 йилдаги фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

5. 2014 йил якунлари бўйича банкнинг бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисоби тасдиқлансин.

6. Банкнинг 4 575 377 399,88 сўмни ташкил этган тақсимланмаган фойдасини ҳамда 22 124 027 975,87 сўмни ташкил этган 2014 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини, жами 26 699 405 375,75 сўм фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

6.1. 2014 йил якунлари бўйича олинган соф фойданинг 20%и ёки 4 424 805 595,17 сўм миқдоридagi маблағ имтиёзли кредитлаш махсус жамғармасига йўналтирилсин;

6.2. 2014 йил якунлари бўйича олинган соф фойданинг 40%и ёки 8 849 611 190,35 сўм миқдоридagi маблағ банкнинг умумий захира фондини оширишга йўналтирилсин;

6.3. Номинал қиймати 1 700 сўм бўлган бир дона имтиёзли акцияга – 425,0 сўмдан ёки номинал қийматига нисбатан йиллик 25 фоиз ҳисобидан дивиденд тўлаш учун жами – 1 898 284 175,0 сўм ажратилсин;

6.4. Номинал қиймати 1 700 сўм бўлган бир дона оддий акцияга – 425,0 сўмдан ёки номинал қийматига нисбатан йиллик 25 фоиз ҳисобидан дивиденд тўлаш учун жами – 9 935 314 250,0 сўм ажратилсин;

Дивиденд тўлаш муддатининг бошланиш санаси 2015 йил 7 июл этиб белгилансин ва 2015 йил 26 августгача амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ тўлаб берилсин.

6.5. Банк ходимларини рағбатлантириш (13-ойлик учун) мақсадида – 1 591 390 165,23 сўм йўналтирилсин.

7. «Туронбанк» АТБ томонидан ишлаб чиқилган “Банкнинг 2015 йилдаги асосий ривожланиш йўналишлари ҳамда 2015 - 2020 йиллар учун ривожланиш стратегик режаси” тасдиқлансин.

8. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Уставига киритилаётган кўшимча ва ўзгартиришлар иловага мувофик тасдиқлансин.

9. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки «Бошқаруви тўғрисидаги Низом»га киритилаётган кўшимча ва ўзгартиришлар иловага мувофик тасдиқлансин

10. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки «Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом»га киритилаётган кўшимча ва ўзгартиришлар иловага мувофик тасдиқлансин.

11. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг ташкилий тузилмаси иловага мувофик тасдиқлансин.

12. Банк акциядорларининг кейинги навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига қадар банк Кенгашининг аъзолари этиб қуйидагилар сайлансин:

- Олимжонов Одил Олимович - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар илмий-тадқиқот институти “Ер-сув ресурслари танқислиги шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ихтисослашувини такомиллаштириш стратегияси” лойиҳасининг Раҳбари, иқтисод фанлари доктори, профессор;

- Сангинов Абдуғани Абдурахмонович - «Ўзсувэнерго» бирлашмаси Бош директори;

- Маликов Фаттоҳ Халилович - «USUB» МЧЖ Бош директори;

- Хажимуратов Шерзод Юлдашевич - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари;

- Аминов Рустам Анварович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси раиси ўринбосари;

- Нусуров Исмаи Нусратович - Давлат активларини бошқариш маркази Бош директори;

- Шарипов Нажмиддин Шухратович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва

рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг Бош бошқарма бошлиғи;

- Абдухамидов Акрамжон Абдувахабович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи;

- Юнусов Джахонгир Баходирович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи;

- Қаюмов Асадулла Ўралович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи в.б.;

- Хусанов Нодирбек Джуммаевич - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи.

### 13. Банк Тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

- Махмудов Бекзод Нематжонович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари;

- Умматов Бекзод Хамзаевич - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси бош мутахассиси;

- Джураев Шерзод Азимович - Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси етакчи мутахассиси.

14. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кенгаши билан Бошқарув Раиси Алимов Фарход Дилмуратович ўртасида уни ишга ёллаш тўғрисида тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинсин;

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кенгаши томонидан Бошқарув Раиси в.б. этиб тайинланган Мухаммадиев Қосим Хўжаёрович ушбу лавозимга тасдиқлансин.

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлаш учун бир ойлик муддатда банк Бошқаруви Раиси лавозимига номзодлар юзасидан танлов ўтказсин;


15. Мазкур қарорлар ижросини назорат қилиш «Туронбанк» АТБ  
Кенгаши зиммасига юклатилсин.

Умумий йиғилиш раиси,  
«Туронбанк» АТБ  
Кенгаши аъзоси

 О.Олимжонов

Йиғилиш котибияти

 Д.Г.Расулов

 Ф.Г.Мирзаева

Умумий йиғилиш  
Санок комиссияси раиси

 О.Р.Эргашев

«Туронбанк» АТБ  
Бошқаруви Раиси в.б.

 Қ.Х.Мухаммадиев

Умумий йиғилиш баёни имзоланган сана: « 6 » июл 2015 йил.

15. Мазкур қарорлар ижросини назорат қилиш «Туронбанк» АТБ  
Кенгаши зиммасига юклатилсин.

Умумий йиғилиш раиси,  
«Туронбанк» АТБ  
Кенгаши аъзоси



О.Олимжонов

Йиғилиш котибияти



Д.Г.Расулов



Ф.Г.Мирзаева

Умумий йиғилиш  
Санок комиссияси раиси



О.Р.Эргашев

«Туронбанк» АТБ  
Бошқаруви Раиси в.б.



Қ.Х.Мухаммадиев

Умумий йиғилиш баёни имзоланган сана: « 6 » июл 2015 йил.

15. Мазкур қарорлар ижросини назорат қилиш «Туронбанк» АТБ  
Кенгаши зиммасига юклатилсин.

Умумий йиғилиш раиси,  
«Туронбанк» АТБ  
Кенгаши аъзоси



О.Олимжонов

Йиғилиш котибияти



Д.Г.Расулов



Ф.Г.Мирзаева

Умумий йиғилиш  
Санок комиссияси раиси



О.Р.Эргашев

«Туронбанк» АТБ  
Бошқаруви Раиси в.б.



Қ.Х.Мухаммадиев

Умумий йиғилиш баёни имзоланган сана: « 6 » июл 2015 йил.